



# ҚОНУН БЎЙИЧА МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА



## ! ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

1. Мерос қолдирувчининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси (ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмалар).

2. Меросхўрларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар).

3. Марҳумга тегишли мулкларнинг ҳужжатлари (мерос мулки уй-жой бўлса - кадастр йиғмажилди, кадастр маълумотномаси, агар автотранспорт воситаси бўлса, автототранспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (тех. паспорт).

4. Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари),

эри (хотини) ва ота-онасининг қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар: туғилганлик ва никоҳ гувоҳномалари, агар вафот этган бўлса ўлим ҳақидаги гувоҳномалари (ёки далолатнома ёзувидан кўчирмалар).

5. Агар меросхўрлар вафот этган бўлса, уларнинг болалари, эр (хотини)нинг қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлари.

6. Ички ишлар органлари томонидан берилган мерос қолдирувчининг охириги доимий яшаш манзили ҳақидаги маълумотнома.

7. Агар мерос вакил орқали расмийлаштирилса - ишончнома тақдим этилади.

## 📁 УНДИРИЛАДИГАН ТЎЛОВ:

### 1. Давлат божи

- Мерос мулки кўчмас мулк ёки автототранспорт воситаси бўлганда (ҳар бири учун) - 101 365 сўм.
- Бошқа барча мол-мулклар учун - 60 819 сўм.

### 2. Ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун

Хизмат тури	Сумма
Тақиқни текшириш	30 409,5 сўм
Маслаҳат	20 273 сўм
Лойиҳа тайёрлаш	40 546 сўм

- *Нотариус жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.*
- *Давлат божлари ва пулли хизматлар энг кам ойлик иш ҳақи 202.730 сўм ҳолатига кўра ҳисобланган.*

## Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг!



@huquqiyaxborot



fb.com/groups/adliya



youtube.com/adliya



instagram.com/adliyanews

Агар ортиқча маблағ талаб қилинса, Адлия вазирлигининг «1008» ишонч телефонига зудлик билан хабар беринг